



2017 у.г. «5» мени № 979-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Қўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини «Наврўз агротехсервис» агрофирмаси худудидан фуқаро Уроков Заррухжонга мебел сотиш дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа қидирув институтининг 2017 йил 30 мартдаги № 03-17/21-145 сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 14 мартдаги 513 сонли хулосаси ва фуқаро Уроков Заррухжоннинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қўлбаипоён» қишлоқ фуқаролар йиғини «Наврўз агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 208 контуридан фуқаро Уроков Заррухжонга мебел сотиш дўкони қуриш учун жами 320 кв метр (шундан: 320 кв метр ижтимоий бино ва ховли ерлари ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Уроков Заррухжонга мебел сотиш дўкони бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2018 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.
5. Фуқаро Уроков Заррухжон томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров